

СОЛИХ ҚАҲҲОР

ТАХМИНА

Саргузашт роман

АННОТАЦИЯ

Фаргоналик ёзувчи Солиҳ Қаҳҳорнинг эларо машҳур «Дайди қизнинг дафтари» романи катта тиражларда қайта-қайта нашр қилинди. Бироқ мазкур асарни ўқишга бўлган иштиёқ кенг китобхонлар ўртасида ҳали-ҳануз кучайиб бораётгани кўпчиликка маълум. Бу ҳолдан фойдаланиб қолишни кўзлаган бир гуруҳ чапдаст «ношир» лар ҳатто «Дайди қиз» нинг минг-минглаб ратопринт нусхаларини кўчириб, улгуржи китоб бозорларида пуллашга ҳам улгуришди.

Бугун қўлимизга теккан «Тахмина» романи муаллифнинг китобхонлардан тушган кўплаб мактублардаги истак ва таклифларни, адабиётшунос олимларимиз томонидан ҳамда айрим матбуот чиқишларида баён этилган танқидий фикру мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, «Дайди қизнинг дафтари» ни гоявий-бадиий жиҳатдан қайта ишлаши асносида ҳосил бўлган мукаммал асардир.

МУАЛЛИФДАН

Арабларда шундай ҳикмат бор: «Дунёдаги жамийки нарса вақтдан, вақт эса эҳромлардан кўрқади». Вақтдан қудратлироқ, вақтдан даҳшатлироқ, вақтдан шафқатсизроқ ҳукмдор йўқ. Бу ёруғ оламда мавжуд неки бўлмасин, вақт уни аста-секин кемириб, кўпориб, тугатиб боради. Унинг ниҳоясини, пировард натижасини барибир Вақт белгилайди. Вақт фақат бир нарсадан, биз иймон келтириб сажда қиладиган, сиғинадиган, эъзозлайдиган, авайлаб-асрайдиган, мутгасил бойитиб борадиган эҳромларимиз – қалбимизда, онгимиз ва шууримизда жо бўлган инсоний пок ақидаларимиздан кўрқади. Бу нарсаларни ҳеч қачон емириб, кемириб, ўлдириб бўлмайди. Бу бизнинг иймонимиз, рухимиз, ёлғиз Оллоҳимиздир. Вақт инсонни жисмонан ўлдиради, бироқ у яратган, у бойитган муқаддас эҳромлар наслдан-наслга ўтиб яшайверади, янаям пойдор бўлиб бораверади. Шундай эҳромлар борки, Ёруғлик ва Поклик, Эзгулик ва Гўзаллик, Севги ва Садоқат, Меҳр ва Шафқат, Умид ва Ишонч, Илҳом ва Қўшиқ бўлиб яшайди.

Шул эҳромлар борки, Инсон инсон бўлиб оёқда туради. Шул эҳромлар боис, Олам мунаввар, Ҳаёт барқарордир. Бироқ бу ёруғ дунёга инсон бўлиб келибки, ул эҳромлар унинг қалбидан жой ололмаптимиз, бундаин одамнинг оддий ҳайвондан фарқи йўқ – Вақт ҳукми билан ўлиб кетаверади, бунга ҳеч ким ажабланмайди, ачинмайди. Бандаси гуноҳлардан фориғ эмас ва ундан қочиб қутулолмайди ҳам. Бироқ гуноҳларни кимки билиб туриб қилса, бундаин бадбахтлик ва рўйсиёликдан Ўзи асрасин. Кимки билмай туриб гуноҳ қилса, Ўзи раҳм ва шафқатини дариг тутмасин. Шунинг учун ҳам Оллоҳ олдидаги тавба-тазарру чоғида гуноҳларимни ўзинг кечир, деб эмас, балки билиб-билмай қилган гуноҳларимни ўзинг кечиргил, дегувчимиз.

Иллатни ҳеч қачон унинг айнан ўзини кўрсатиши учунгина тилга олманг. Иллатдан фақат кўзингизга табиий бўлиб кўринаётган қайсидир ҳақиқатни очиб бериши мақсадидагина фойдаланиши лозим. Шундай вақтлар бўладики, одамларга ҳаётда ана шундай ҳақиқат ҳам борлигини ва ундан халос топиши ҳамда аҳволни ўзгартириши зарурлигини эслатиб қўймоқ зарур. Зеро, нуқул яхшилик ва гўзаллик ҳақида гапириши ҳаминша ҳам иш беравермайди.

Уильям ФОЛКНЕР

ҲАСРАТ КЕЧАСИ

Биринчи фасл

I

– Сиз учун кутилмаган бир таклифим бор, – деди бош муҳаррир Талъат ака ўз одатича сокин ва мулойим оҳангда, – таҳририят топшириғи, деб ҳисоблашингиз ҳам мумкин...

Хориж сафари олдида турган кезларим. Хужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ югур-югурлар вақтимни кўпроқ банд қилиб турибди. Жиддийроқ мавзуда мақола ёзиш кўнглимга ўтирмаслигини раҳбарият ҳам тушунади. Шу боис, бошлиқ ҳузурига чақиртиришганида оддийроқ бирон юмуш бордир, деган ўйда кирувдим бу ерга.

– Кулоғим сизда. Таклиф бўлса, ўйлаб кўраман. Топшириқ бўлса, на илож...

Бош муҳаррир менинг лўнда жавобимдан хиёл истехзоли жилмайиб, «яхши-и...» деб қўйди ва шошмасдан ўрнидан туриб келиб, ёнгинамга ўлтирди. Кейин юзимга ўйчанроқ ва синовчан қиёфада бокқанча, аста сўз қотди:

– Суюқоёқ қизларга, аниқроғи, суюқоёқ аёллар мавзусига... хушингиз қандай?

Кутилмаган саволдан ҳайронликка тушувдимки, – у “шошма” маъносида ўнг кафтини кўтарди.

– Ажабланманг, ука, – давом этди у. – Газетамизнинг яқин сонларидан бирида ана шу мавзуда мунозарали мақола чоп этиш ниятим бор. Ўзингиз тушунасиз, анча долзарб масала бўлиб турибди.

– Лекин... Нега энди мен? Ахир, сафар олдида турган бўлсам...

– Улгурасиз. Улгурасиз, – у қатъият билан бир тиззамга қўлини босиб, ўрнидан турди ва креслосига бориб чўқди-да, кейин илова қилди: – Қолаверса, бу борада иш тажрибангиз кам эмас. Масалан... Бир вақтлар газетамизда босилган “Шантаж” деган мақолангизни эсланг...

Ногоҳ ўша воқеалар пироварди кўз олдимда жонланиб, таъбим хира тортди. Ахир ўша “Шантаж” туфайли озмунча азиятлар чекмадимми...

Кечагидек эсимда: Шаҳарда миш-миш тарқалиб қолди: Нима эмиш, Куйдирги деган фоҳиша қиз чиқипти! Шунақаям чиройли, шунақаям оташ эмишки, ҳар қандай имони бут эркак ҳам уни кўрганда тутдай тўкилиб қолармиш.

Ўша кунлари менга ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан фош этилган ва анча шов-шувга ҳамда шармандаликка сабаб бўлган бир жиноий ишни газетада ёритиш вазифаси топширилди-ю, ана шу баҳонада худди ўша «куйдиргижон» билан тасодифан учрашиб қолдим.

Жиноий гуруҳ Рашод исмли ашаддий бир товламачи бошлиқ рекетчи зўравонлардан, улар билан ҳамкорлик қилган бир гуруҳ фоҳиша қизлар ҳамда шаҳардаги бир меҳмонхонанинг масъул ходимларидан иборат эди. Жабрдийдалар эса... Пул деган нарсани хазондек йиғиб олиб, хазондек совуриб яшаётган бир гуруҳ маишатпараст корчаллон-амалдорлар!

Маълум бўлишича, четдан жалб қилинган ва бу атроф учун ҳали нотаниш, гўзал ва ёш суюқоёқ қизлар ана шу ишратпарастларга тузоқ ўрнида ишга солинган. Учрашувлар,

одатда, ўша меҳмонхонанинг оромижон хоналарида бўлиб ўтган.

Мана, ишратпараст жаноб «қирчиллама йигит» бўлиб тайинланган хонага кириб келди, дейлик. Меҳмонхона бекаси унга «ҳали анча ғўр ва ғўллиги туфайли шу ишга рози бўлган «бокира момақаймоқ» ни рўпара қилади. Қиз эркакка эндигина «таслим» бўлган пайтда хона ичида давангирдай-давангирдай йигитлар пайдо бўлишади. Улардан бирининг қўлида видеокамера, ётганларни ипидан игнасигача бошлаб суратга оляпти. Шундан сўнг уёғи нима бўлиши ўзингизга тушунарлидир. «Бокира» лигича қолган ҳалиги қиз юз берган воқеадан сираям ажабланмайди. Оҳистагина ўрндан туриб кийинади-да, индамай хонадан чиқиб кетаверади. У билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Гап нимадалигини эндигина тушуниб етган, қўрқув ва шармандалиқдан дир-дир титраётган жанобни маромида суратга олиб бўлишгач, зўравонлар асосий мақсадга кўчишади:

– Жонингдан, амалингдан, обрўйингдан умидинг бўлса...

Ана шу тарзда тузокқа тушиб, катта-катта тўловлар эвазига қутулиб қолганлар орасида шаҳар умумий овқатланиш трести директори Ҳаким Саматов деганлари ҳам бор эди. Унга юқорида гап бораётган Куйдиргини рўпара қилишган экан. Бу гал ҳам «операция» бинойидек ўтган, бироқ Саматов шартлашилган пулнинг ҳаммасини беролмаганидан, ўртада жанжал чиқади. Куйдирги «ҳал қилувчи» хизмати учун арзимаган ҳақ тўлашганига аччиғланиб, товламачи Рашодни прокуратурага «сотиб» кўяди. Шунинг учун ҳам терговга оширилган мазкур жинойий ишда Куйдирги иштирокчи сифатида эмас, балки асосий гувоҳ ҳисобланарди.

... Бир мунча кексайиб қолганига қарамай, баланд ва барваста жуссасини ғоз тутиб юрадиган, қиёфаси жиддий, бироқ хуш табиатли шаҳар прокурори Мирзаматовнинг иш кабинетида ўтирибмиз. Тергов ишлари тугаб, бугун-эрта судга оширилиши лозим бўлган «рашодчилар делоси» бўйича прокурорнинг шахсий мулоҳазаларини оляпман. Шу пайт кабинет эшиги очилиб, ичкарида... баланд пошна туфлюю жинси шим кийган, дуркун кўкраклари ялтир-юлтур кофтасидан потирлаб чиқиб кетаётгандек, қадду баста ғоят хушбичим, 20–25 ёшлардаги оппоқкина, сулув бир қиз пайдо бўлди. Қайрилма қошлар, ўнг ёноғига кўнган нўхатдай тим қора холини кўриб, уч кунлик хилол билан йўлдош турган Зухро юлдузи кўз олдимга келди.

– Мумкинми, прокурор ака?..

– Буни қабулхонада сўраш лозим эди, – бироз жеркиброқ берди Мирзаматов. – Раз кирдингми, энди киравер.

Қиз прокурорнинг танбеҳига эътибор бермади. У ўзини эркин ва бамайлихотир тутар эди.

– Қабулхонангизда ҳеч ким йўқ экан. Терговчингиз «прокурорга учранг» деганига тўғри кириб келавердим, – деб қўйди у биз томон бир мунча нозу ишва билан яқинлашаркан. Хона ичига фаранги атирнинг ўткир хиди таралди.

– Анави ерга ўтир, – уни тўхтатиб, бир четдаги қатор стулларга ишора қилди прокурор. Кейин менга маъноли боқиб:

– Бу аёл Холида Тошматова, – деб қўйди. – Лақаби Куйдирги...

– Вой, унақа деманг, прокурор ака. Мени аёл дейишларига ҳали анча бор, – нозу фироқда чиройли дудокларини чўччайтирди Куйдирги. У стуллардан бирига ёйилиброк жойлашиб, қўлидаги кўкноригул сумкачасини тиззаси устига оларкан, яна қўшиб қўйди: – Агар аёл ёшида бўлсам Ҳаким ака мени қизлигимга ишонармиди...

– Мен сени бу ерга таклиф қилишимдан мақсад, манави йигит... журналист Собир Қаноат, сен билан бир-икки оғиз гаплашиб олмоқчилар.

Куйдирги менинг афт-ангоримга қараб қўйди-да, кейин хотиржам оҳангда кинояомуз сўради:

– Ҳозир вақтим зикроқ эди. Адресимни берсам, уйда гаплашиб ола қолсак-чи?..

Унинг нимага шама қилаётганини тушуниб, ичимда кулиб қўйдим. Мирзаматовнинг ҳам кўзлари хиёл қисилгандек бўлди, муштини оғзига тутиб, аста йўталиб олди-да, кейин:

– Гапни калта қил, – деди унга хўмрайиброк, – бу ерда сени вақтинг ҳам, уй адресинг ҳам ҳеч кимга кераги йўқ.

Куйдирги прокурор томон енгил «уф» тортиб қўйдида, сўнг яна менга юзланди:

– Хўп, акажон, ихтиёрим сизда...

Мен уни чўчитмаслик ниятида стол устида турган ён дафтарим билан ручкамни олиб, чўнтагимга солиб қўйдим. Кейин имкон қадар мулойимлик билан мулоқотга киришдим.

– Мени бир-иккита саволлар қизиқтиради...

– Овозингиз қаймоқдай экан. Ашула-пашула айтмайсизми?

Прокурор яна унга хўмрайди.

– Жим ўтир, бўлмаса...

Куйдиргининг ҳам юзига энди жиддийлик югургандек бўлди.

– Бўпти, кечирасиз, – у шундай дея менга саволомуз боқди.

– Агар сир бўлмаса... Холида деган чиройли исминг бор экан. Нега энди Куйдирги деб аташади?

У бир дам жимиб қолди. Менга синовчан боққанича ниманидир эслаб, кейин мийиғида жилмайиб деди:

– Болалигимда жуда шўх, куйдирги бўлиб ўсганман. Текканга тегиб, тегмаганга тош отардим. Аям раққоса эди, баъзан ҳафталаб тўйма-тўй кетарди. Пиёниста ўгай дадам бўларди. Бир куни... Ўшанда мен ўн ёшларда, яна иккита укачам ҳам бор. Ухлаб ётувдик. Бир вақт чўчиб уйғонсам, ўгай дадам ўлгудай маст, қип-яланғоч гандирақлаб устимда турибди. Мен ўрнимдан шошиб туриб, ўзимни ташқарига отдим. Ҳовлига ўтиб, юм-юм йиғладим. Кейин хаёлимга, у аблах укаларимга ҳам тегинмасин, деган фикр келиб, шошиб яна уйга кирдим. Кирсам, ўгай дадам ўша аҳволда ухлаб қолипти. Шу пайт ундан ўч олмоқчи бўлдим. Омборхонадан жиндак керосин олиб чиқиб... зормондасига ўт ёқиб юборганман. Ўша-ўша, уйдан қочиб чиқиб кетганимча, қайтиб бормаганман.

Мирзаматов иккала тирсагини столга тираганча, қўллари билан юзини беркитиб ўлтирипти. Ичида кулаётганга ўхшайди, шунча йил прокурорлик қилиб, эҳтимол бунақасини учратмагандир.

– Сени онанг қидирмадими? – сўрадим ундан.

– Қидирган. Учрашганмиз ҳам. Мен унда Уфада яшардим. Бир қариндошимизникида. Икки-уч йил қайтиб келмадим, ўша ерда қолиб кетдим.

– Онанг... татарка, шундайми?

– Ҳа... Дадам ўша ёқда армияда хизмат қилиб юрганда уйланган экан.

– Сен ҳозир «ўгай дадам» дединг. Ўз даданга нима бўлган?

– У... онамга развод бериб, бошқага уйланиб кетган. Аллақайси гўрда яшайди, дейишади. Мен уни умуман кўрмаганман. Мендан кейинги иккита укам онамнинг иккинчи эридан...

– Униси қаерда қолган?

– Унисини онамнинг ўйнашлари заҳарлаб ўлдиришган. Армани бўлсаям яхши одам эди, раҳматли, чем учинчиси... – анча маъюслик билан жавоб берди Куйдирги. Кейин хушёр тортиб, қўшиб қўйди: – Саволларингиз кўпайиб кетди.

– Сендан сўрамоқчи бўлган яна бир саволим... миллатимиз учун «фоҳиша» сўзидан оғирроқ тавқи лаънат йўқ. Шуни тушунасанми?

Куйдирги жимиб қолди. У саволимнинг мағзини чақяпти, ёки мени «фоҳиша» сўзим учун бошлаб қўйиш мақсадида керакли жавоб қидиряпти.

– Мени... ўн яшар бегуноҳ, етимча қизни булғамоқчи бўлган ўша итэмгур эркакни ҳам... ўзбек тукқан, – деди у ниҳоят қатъиятлироқ оҳангда. – Уйдан чиқиб кетганимча не-не даргоҳлардан паноҳ топмадим. Лекин бирон жойда менга холис ният билан меҳрибонлик кўрсатишмаган. Ҳамма жойда «чиройли қиз бола» сифатида қабул қилишган. Қани айтинг-чи, журналист ака, сиз қайси миллат ҳақида гапиряпсиз?

Мен ундан бу тарзда жавоб кутмаган эдим. «Чакки эмассан, бозор кўрган эчки, – кўнгилдан ўтказдим. – Сен билан тортишса арзийди». Мирзаматов ҳам «Кўрдингми?»

маъносида менга назар ташлаб қўйди.

– Мен... ўзбек деган номга доғ туширмай яшаётган, очдан ўлар ҳолдаям номусини, виждонини сотмайдиган миллат аёллари ҳақида гапиряпман, – босиқлик билан жавоб қайтардим унга. – Сен мени чалғитяпсан, саволимни жавобсиз қолдиряпсан.

– Фоҳишадан фоҳишабознинг аъло жойи йўқ... – Гудранди у. Кейин сумкачасидан нафисгина рўмолча чиқариб, ёноқларига майин-майин босиб қўйди. Назаримда, кейинги гапим уни оз-моз чакқандек бўлди. – Сиз мени... фоҳишаликда айбламоқчисиз, бунни сезиб турибман, – яна сўзида давом этди у. – Ихтиёрингиз, лекин менинг кўрқадиган жойим йўқ. Мен эркин қушман.

– Ҳа, ҳозирча яхши учаётган эркин қушсан. Лекин тез орада бу қанотлар ҳолдан тойиб, учарга мадор қолмайди. Унда сени ким ўз ҳимоясига оларкин?

Кутилмаганда, Куйдирги жарангли овоз билан кулиб юборди:

– Хайрият, минг хайрият, бу дунёда менинг тақдирим учун қайғурадиган одам ҳам бор экан!

– Саволимга жавоб бер.

У қўлидаги рўмолча билан кўз ёшларини артган бўлди. Кейин ўзини бир оз босиб олгач, менга беписанд қиёфада жавоб қилди:

– Фоҳишалар шарбати тугаб ўйиндан чиққач, қўшмачилик қилиб, янаям кўпроқ пул топишади. Буёғидан хотиржам бўлинг. Сиз, яхшиси, ғарлар ҳақида ёзинг. Уларнинг уйлари, мол-дунёси, эри, бола-чақалари бўла туриб, хиёнат қўйнига киришади.

Прокурор ҳам, мен ҳам Куйдиргидан бундай мушоҳадани сира кутмаган эдик. Мен унга тегишли жавоб беришга эндигина чоғланган эдимки, прокурор Мирзаматов гапни илиб кетди:

– Қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар. Худони олдида ҳам, ўз виждони олдида ҳам, қонун олдида ҳам ҳар ким ўз қилмиши учун жавоб беради, бунни унутма. Иккинчидан, фоҳишалик билан тирикчилик қилгандан кўра, ўлиб қўя қолиш афзал эмасмикан...

Куйдирги бу гапга ҳам нимадир деб жавоб қайтармоқ ниятида прокурор томон бош кўтарувдики, мен ўртага қўшилдим:

– Сенга бошқа саволим йўқ.

Куйдирги «Кетаверайми?» деган маънода прокурорга боқди. Мирзаматов унга қисқагина қилиб «жавоб» деб қўя қолди.

Энди у таманно билан ўрнидан турди. Жинси шимининг белбоғидан кафт тикиб, кофтасининг этак тахламини созлаб қўйган бўлди-да, кейин эшик томон йўл олган жойида ногоҳ яна тўхтаб, менга юзланди:

– Наҳотки, бошқа бирон оғиз гапингиз бўлмаса?..

– Мен сенга инсофу иймон тилайман...

У истехзоли жилмайиб, чиройли тавозе қилиб қўйди. Қўлидаги сумкачасини елкасига олиб, эркаланган бир қиёфада деди:

– Инсофу иймон деганингизни тушунмийман. Уни ўзингизда қолдиринг. Лекин ҳали ёш кўринасиз, дуоғўйликка шошманг...

Прокурор сохта йўталиб қўйди.

Х

Х

Х

Тез орада ўша жиний гуруҳ устидан суд бўлиб, шантажчилар ва улар билан ҳамкорлик қилганлар ўз жазоларини топишди. Бироқ мақолани чоп этишга тайёрлаётган кунларим бош муҳарриримиз Талъат ака икковимизнинг бошимиз ғавғодан чиқмай қолди. Жабрдийдалар шаҳарнинг йирик амалдорлардан эмасми, янаям йирикрок казо-казолар томонидан илтимос устига илтимослар, баъзан эса дўқ-пўписалар бошланиб кетди.

Албатта, мақоламиз қаҳрамонларининг оилалари ва фарзандлари шаънини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг номлари ва иш жойларини аниқ айтмасликка мажбур эдим. Фақат биттаси, шаҳар умумовқатланиш трести директори Ҳаким Саматовни – асосий ишқал

шундан кўзгалгани учун ҳам ошкор қилишга тўғри келди.

Буни Саматовнинг ўзи яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам мақолани тайёрлашим давомида оёғи куйган товукдек югуриб қолди. Мен уни олдиндан танийман, ёши элликлардан ошган, паст бўйли, бақалоқ одам. Бошидаги тақа нусха тўрт энлик оқ сочини қорага бўятиб, йигитчалардек олабайроқ кийим кийиб юради.

Гап бошида у анча мулойимлик қилди. «Хом сут эмган бандалармиз. Баъзан шайтон йўлдан оздираркан. Энди ўзингиздан қолар гап йўк...» – деди манглайини тер босиб. Бироқ мен ён босавермагач, бирдан дағаллашиб қолди:

– Инсон ўз эрки билан яшаши керак. Нима, менинг биронта билан юришга ҳаққим йўқми?

– Мен сизнинг эркингизга дахл этаётганим йўқ, – дедим унга, – лекин соғлом одамда шуур, идрок деган нарсалар бўлади. Инсоний эрк, айниқса, сиздек, ёши бир жойга бориб қолган пайтида фарзандларига, невараларига ҳаромдан, ифлос шахватдан, зино ишлардан сабоқ бериш, деган маънони билдирмайди.

Шундан кейин орадан икки кун ўтиб, олдимга бир кўзи ғилай, иягида чандиғи бор, айикдай қўпол гавдали бир йигит кириб келиб: «Агар Ҳаким ака газетага чиққудек бўлса, энангни Учқўрғондан кўрсатаман!» – деб қолди. Мен ҳам ундан устунроқ келдим: «Афту башаранг жудаям кўзга яқин экан, шу бугуноқ милицияни огоҳлантириб қўяман. Бундан кейин менга бирор гап бўлгудек бўлса, энг аввало сени ушлаб келтиришади». Ғилай нима деярини билмай, чиқиб кетди.

Кейинроқ бир гап эшитиб қолдим. Ана шу ғилай аслида Куйдиргининг яқинларидан экан. Ҳаким Саматов Куйдиргини тезда топтириб: «Мен энди сени жазолайман. Ўша меҳмонхонада гап нимадалигини ишора қилиб қўйганигда, сен мукофотингни олардинг, мен эса шарманда бўлмас эдим», депти. Шунда Куйдирги: «Сен мени ҳеч қачон жазолай олмайсан. Аксинча, ўзингни ўлдиртириб юбораман. Яхшиси, мурса қилайлик. Мақолани ёзаётган журналист танишим бўлади, мен уни олдига ўз одамимни юбориб, сенга гап тегмайдиган қилиб қўяман», деб қутулган экан.

Бош муҳаррирга обкомнинг ўзидан ҳам «Анча жанжалли иш экан, аралашиб юрманглар» деган маънода бир-икки кўнғироқ бўлган. Лекин Талъат ака қатъиятли ва журъатли киши бўлгани учун ҳам ҳар қандай илтимос ва огоҳлантиришларни рад этгани ҳолда менга: «Ёзаверинг, ука. Кўркманг. Яхши журналист бунақа воқеалардан кўз юммаслиги керак », деб таъкидлади.

Шундай қилиб, мақола вилоят газетасида чоп этилди. Кутганимиздек, ўша куннинг ўзидаёқ муҳаррир икковимизни обкомга чақиртиришди.

Идеология котиби Московга малака ошириш курсига кетган, бизни тарғибот ва ташвиқот бўлими мудир, яқинда комсомолдан кўтарилиб келган «охиратнинг шотиси» Сафар Қораев қабул қилди.

Бу лақаб унга қоқсуяк гавдаси шотирдек узунлиги учунгина берилган эмас. Бунинг ўз тарихи бор. Комсомолда ишлаб юрган кезлари шаҳар чеккасидаги Лақабчи маҳалласида танҳо яшаётган кекса онаси вафот этиб қолади. Ўша пайтлар Сафарнинг амал курсиси илинжида минг бир нағмага йўрғалаб юрган кезлари. Ўзини коммунистик идеаллар учун ҳақиқий жангчи қилиб кўрсатишда, агар лозим келса, бор будини «ғинг» демасдан берворадиган шахди бор.

Сафар ярим кечада онасининг ўлими ҳақида хабар келтирган кишини: «Маҳалла оқсоқолига бориб айт. Бу ердан катталар боришади. Жаноза-паноза деган нарсани хаёлига келтирмасин. Биронта саллали одамни кўриб қолсам, мендан омонлик кутмасин», деб жўнатади.

Эртасига у ўрис хотини-ю, уч-тўрт нафар «комсомол» жўралари билан гулчамбар кўтаришиб тушга яқин кириб боришади. Боришса, маҳалла-кўй ҳамма расмрусумларни бажо келтириб, кампир раҳматлини вақтликкина қабристонга қўйиб келишган, мотамхонада қўни-қўшнилардан бўлак ҳеч ким йўқ, ҳамма уй-уйига тарқалиб бўлган экан.

Шунда Сафар дарғазаб бўлиб, бир зумда қишлоқ оқсоқолию мачит имомини

олдиртириб келади.

– Онамни менсиз кўмишга ким рухсат берди?! – ўшқиради у.

Мачит имоми унга: «Ўзингизни босинг. Биз раҳматли волидангизнинг васиятларини бажо келтирдик холос. Анчадан бери бетоб бўлиб ётган кампир кечагина бизни хузурларига чақиртириб: «Боламнинг кимлиги ўзларингга маълум. Қачонлардан бери холимдан хабар олмай қўйган, такводорлигимни суймайди. Энди мен ўлиб-нетиб қолсам, у етиб келгунча жаноза ўқиб кўмиб қўйинглар, илоҳо, иймонсиз кетмайин, охиратим кўймасин», деб илтимос қилувдилар. Кампир ҳақ эканлар, мана, ўзимиз ҳам кўриб турибмиз...» дейди. Маҳалла оқсоқоли ҳам имомнинг гапини тасдиқлаб: «Худди шундай» дейди.

Бу гаплардан Сафар кизариб-бўзариб, яна ўшқиради:

– Охират-похирати нимаси?! Қачон қутуламиз бу бидъатлардан?! Йўқ, йўқ, бу каллаварамлар умрини ўтаб бўлмагунча коммунизм қуриб бўлмайди!

Шунда, ўз умри давомида жуда кўп муттаҳаму муштумзўрларга дуч келган, ҳар қандай шароитда ҳам бундайларнинг думини тугиб қўя оладиган маҳалла оқсоқоли уни гапидан маҳкам тутди:

– Тўхта, нима дединг? Коммунизм қуриб бўлмайди, дедингми? Ана энди мард бўлсанг, ана шу гапингдан тонмайсан. Ҳамма гувоҳ, сени халқ ичида «коммунизм қуриб бўлмайди» деб айтди, деб тўппа-тўғри Московга ёзамиз!

Кутилмаганда бу хужумдан Сафар ҳам, унинг шериклари ҳам каловланиб қолишади.

– Мени тўғри тушунинглар! Мен ундай демокчи эмасман! – энди дағдагани илтижо оҳангига буради Сафар.

– Йўқ. Айтдинг, айтдинг! – маҳалла оқсоқолининг кўнглидагини тушуниб етган қўни-қўшнилари ҳам уни маъқуллаб кичкиришади.

Шундан кейин вазият қай даражада қизиганлиги ўз-ўзидан маълум. Ҳикоя қилишларича, Сафарни қийин аҳволдан донишманд мачит имоми кутқазган...

– Майли, мен ўртага туша қолай, – депти у. – Раҳматли волиданг хурмати «коммунизм қуриб бўлмайди» деган гапинг шу маҳалланинг ўзида қолади. Илоҳо, айтканинг келсин... Лекин охиратга шак келтирдинг. Бунинг учун сенга «охиратнинг шотиси» деб лақаб кўямиз, токим умр бўйи «охират» сўзи оёғингга кишан бўлиб юрсин!

Ўша-ўша, Қораевни яқиндан танувчилар уни «Охиратнинг шотиси» деб кўйишаркан. Менга бу ҳақда комсомолда ишловчи бир дўстим ҳикоя қилиб берувди.

Шоти биз билан ўрнидан туриб кўришмадиям, саломлашмадиям. Менга ҳатто қараб ҳам қўйгани йўқ. Ўтирган жойидаёқ Талъат акага қараб: «Келдиларингми? Ўтиринглар», деб қўя қолди. Кўпчиликнинг обрў-эътиборини қозонган, иззатталаб Алимов кечагина бу ерга осмондан тушган янги мудирнинг бунчалик совуқ муомаласидан қаттиқ ранжиди. Буни мен унинг касалманд юзи «лоп» этиб қизариб кетганидан сездим.

Ўтирдик. Шоти олдидаги қизил духобали қалпоқча кийдириб қўйилган чойнақдан чой қуйиб, бир-икки бор пўриллатиб хўплаб олди-да, кейин қисик ва совуқ кўзларини Талъат акага тикканича, ясама оҳангда сўради:

– Нима иш қилиб қўйдиларинг?

– Нима иш қилиб қўйибмиз? – гап нима ҳақида бораётганини яхши билса-да, жўртгага ҳеч нарсадан хабарсиз одамдек, саволга савол билан кесатиброқ жавоб берди Талъат ака.

Шотининг қисик кўзлари янаям қисилиб кетди. Узун ва озгин, қонсиз бармоқлари сезиларли даражада титраётганини сездим.

У стол устида тахлоғлик турган газетамизни олиб, бир дам уёқ-буёғини ҳафсала билан ағдариб чиқди. Кейин тўртинчи бетдаги «Шантаж»га тўхтаб:

– М... да-а... – деб қўйди юпқа лабларини қимтиб. – Ҳамма ёқни фоҳиша босиб кетипти-ю, обком беҳабар!

Мен уни дарҳол тушундим. Чамамда мақоланинг эътироз билдириш мумкин бўлган жойлари йўқ, бирон сиёсатдон ғаним чиқиб қолган тақдирда, фақат ана шу фоҳиша масаласигагина осилишини олдиндан билардим. Демак, Қораев бизга қарши. Дорилфунун

домласи бўлмиш бир ҳамсоям: «Ҳаким Саматовдан хушёр бўлинг. Қораев иккиси бир охурдан ем еб юрган одамлар» деганда, бу гапга эътибор бермаганимни эсладим. Яна ким билади...

– Пашшадан фил ясаманг, Қораев, – уни жеркиб берди Талъат ака. – Мақоланинг бош мавзуси уюшган жиний гуруҳнинг фош этилишидир, нахотки шуни тушунмаётган бўлсангиз?

Аниқки, бу савол замирида «Саводинг борми ўзи?» деган маъно ётипти. Бироқ бу аччиқ мағиз Шотининг миясига илашмай қолаверди.

– Тушунганмиз, жуда яхши тушунганмиз, – сўзида давом этди у. – Советлар мамлакатида, коммунистик жамият шароитида фоҳишалар кўпайиб борапти, деган фикрга урғу берилаётганини тушуниб турибмиз. Қани айтингчи, ўртоқ Талъат Алимович, шунинг ўзи партиявий газетадаги сиёсий кўрлик эмасми?

Шоти шундай дея, рақиб шоҳга усталик билан мот қўйган ғолиб ўйинчидек, иккала кўлини стол устига тираганча виқор билан ўрнидан турди. Гўё ана шу фоҳишалар туфайли дахшатли воқеа рўй бериб, «у бошлик» вилоятда фавқулудда ҳолат эълон қилингандек, энди у бутун вужуди билан мотамсаро қиёфага кирди.

Мухаррир иккимиз янги бўлим мудирининг кутилмаган бу мушоҳадасидан ҳангу манг бўлиб қолдик. Нималар бўляпти ўзи? Бу одам соғми, ё...

Бу ерга кириб келганимиздан бери бизга қилинаётган совуқ муносабатдан, тирноқ остидан кир қидиргандек мақоламга ноҳақ сиёсий тус бераётгани ва айниқса, мени умуман одам қаторига қўшмаётганидан портлашим мумкинлигини Талъат ака сезди. У «шошма» маъносида бир кўли билан тиззамни аста босиб қўйди.

– Ўртоқ Қораев, бу мақолада номлари келтирилган фоҳишалар маъмурий органлар томонидан фош этилган ва жазога тортилган жиноятчи шахслардир. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, мазкур мақолада уларни четлаб ўтишнинг иложи ҳам йўқ эди, – изоҳ берган бўлди муҳаррир. – Энди сизнинг кейинги мушоҳадангизга келсак, фоҳишалар учун коммунистик жамиятми, капиталистик жамиятми, улар советлар мамлакатида ёки Гватемалада яшаяптими, бунинг мутлақо аҳамияти йўқ. Беномуснинг чўнтагига ўнта партбилетни солиб қўйган такдирингизда ҳам, бундан ҳеч нима ўзгармайди, нафс йўлида ҳар қандай тубанликка бораверади.

Шоти хона деразаси олдида кўлларини чалкаштирганича бизга тик боқиб: «Қани, гапириб олинглар» маъносида бир дам жим турди. Кейин ўзича «Тушунарли, тушунарли...» деб қўйди-да, жойига келиб ўлтирди. Шу вақт телефон жиринглаб, гўшакни кўтарди:

– Эшитаман. Ҳа, сенмисан? Кўрдим, кўрдим. Парво қилма... Мен ҳозир бандман, ҳалироқ ўзим кўнғироқ қиламан. Лаббай? Майли, майли. Йўқ демаймиз... – у гўшакни жойига қўйиб, кейин менга қаради: – Сиз ҳам шу фикрдамисиз, ошна?

Мен ҳам:

– Ҳа, ошна, мен ҳам худди шу фикрдаман, – деб қўйдим.

Сездим, бу журъатим унга ботмади. Гезаргандек бўлди.

– Мумкинми билсак, уйланганмисиз? – яна сўради мендан.

– Йўқ. Нима эди?

– Мақолангизда нима учун фоҳишалар ҳафсала билан тилга олингани учун сўраяпман...

Буниси энди мен учун ҳақорат бўлиб туюлди. Ўзимни бошқа тутолмадим:

– Росаям тўнка экансанку...

– Нима?! Нима дединг?! – у сувсиз қолган балиқдай, нафас олиши оғирлашиб, қизариб-бўзариб, шалпанг қулоқларигача таранг тортилиб қоди. – Мен сенга кўрсатиб қўяман! Партия органларига суқулиб кириб олган бундай унсурлар учун сиз жавоб берасиз, ўртоқ Талъат Алимович!

Талъат ака аввалига «Яхши қилмадинг» деган маънода менга бир қараб қўйди-да, кейин аста ўрнидан турди. Унга қўшилишиб мен ҳам турдим.

– Афтидан, сиз билан гапни давом эттириш мутлақо бефойда, – у Шотига нафратомуз боқди. – Қолганини котиб Московдан қайтгач гаплашамиз, хайр.

Шу билан чиқиб кетдик. Шоти орқамиздан «Бўпти, кўрамиз ҳали!» – деганича қолаверди.

...Орадан ўн кунларча ўтиб-ўтмай, учинчи котиб Московдан партиявий мафкура бўйича малака ошириб қайтгач, бизнинг «иш»имиз обкомда яна кўриб чиқилди. Мақолада «фоҳишалар сафи кенгайиб бораётгани ҳақида ўринсиз жар солганим ва унинг ижтимоий илдиэлари қисман жамиятнинг ҳамда коммунист амалдорларнинг турмуш тарзи билан боғланганлиги ва ниҳоят, обкомда партия шаънига ҳақорат келтирган»им учун мени бўлим мудирлигидан оддий мухбирликка туширишди. Талъат ака эса, «сиёсий саводсизликка йўл кўйилгани учун» қаттиқ хайфсан билан қутулди.

Мен Оллоҳнинг беназир чеварлигига ҳамиша тан бериб келгувчиман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўшандан кейин орадан бир йилча ўтиб, сира қутилмаган бир воқеа рўй берди.

Тошкентдан меҳмонларим бор эди. Ёзнинг жазирама кунлари. Уларни бир айлантириб келай деб, Шохимардонга олиб бордим. Худо ҳақки, эндиликда шаҳар партия комитетининг мафкура бўйича котиби бўлиб ишлаётган Шотини ўша ерда учратиш қолиш фикри хаёлимда йўқ эди.

Ям-яшил виқорли тоғ кўксидаги роҳатижон оромгоҳларнинг бирида тўхтаб, эндигина қозонга уннаб турган пайтимиз. Ногоҳ биздан йигирма-ўттиз қадамлар наридаги «Кока-кола» дўкончаси ёнида бир-бирлари билан шўх ҳазиллашиб-қулишиб, чанқовбосди қилишаётган новча бўйли бир эркагу, кўзга яқин ёш бир жувон беихтиёр диққатимни ўзига тортди. Икковиям қимматбаҳо хорижий спорт кийимида, оёқларида енгил шиппак, юзларида шапалокдек-шапалокдек қора кўзойнак.

Жуссалари, овозлари, яна нималаридир танишдай туюлади. Аввалига бир дам уларга тикилиб турдим. Кейин ўзимча, ким бўлгандаям менга нима, деган фикрга келиб, эътиборимни улардан эндигина узмоқчи бўлувдимки, ҳалиги ёш аёл юзидан кўзойнагини олди. Ёнларида музқаймоқ еб ўтирган уч-тўрт нафар болаларгайм, сотувчи мўйсафидга ҳам эътибор бермай, қўлларини новчанинг елкасига узатиб, унга бўса ҳадя этмоқчи бўлди. Эркак бундан мулзам тортгандек қизнинг иккала қўлини тутганича атрофга олазarak назар ташлади. Шунда менга кўзи тушиб, илон қаршисидан чиқиб қолган қурбақадек котиб қолди.

Ўз ўрнида, нима бўлганини тушунолмаё аёл ҳам мен томонга ўгирилди. Тушунарли... Эркак унга нимадир деди, аёл шошиб кўзойнагини қайта такди-да, эркакдан бўшалиб, ҳов нарироқда турган ҳаворанг «Волга» томон саросимали қадам ташлаб кета бошлади.

Мен уларни танидим. Улар «охиратнинг шотиси» Сафар Қораев билан... ўша, Куйдирги эди! Сира қутилмаган бу ҳолдан лол қолдим, негадир хижолат ҳам тортдим. Лекин шу тоб миямга обком хонасида бўлиб ўтган ўша зиддият чақиндай урилди...

Дўконча пештахтаси устида турган уч-тўрт шиша ҳам уларга тегишли экан. Шоти уларни апил-тапил қўлига олиб, аёл кетидан равон бўлувдики, аҳмоқчилик қилиб қўйдим:

– Ҳов Сафар ака, чойга марҳамат!

Шоти турган жойида туриб қолди. Ноилож шишаларни қайтадан пештахта устига қўйиб, юзидан кўзойнагини олди. Мени гўё энди кўриб таниётгандек олдимга илдам қадам ташлади:

– Ие, Собиржон, сизмисиз?! Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

Мен ҳам унга пешвоз юрдим.

– Меҳмонлар бор эди, айланиб келувдик, – дедим мен у билан қўл бериб сўрашиб. – Ўзингиз нима қилиб юрибсиз бу ерда?

– Менми? Мен... биз... кеннойингиз билан зиёратга келувдик...

Кўнгилда гина-кудурат сақлаш, кимдандир нима учундир ўч олиш каби одатлардан жуда олисдаман. Лекин ҳозир, умримда биринчи ва охириги марта бўлса керак, Оллоҳ ўзи кечирсин, ана шу бетавфиқ туфайли чеккан ўша азиятларим учун, уни ҳеч бўлмаса гап

билан бир эзиб кўймоқчи бўлдим:

– Мен ўшанда... фоҳиша Куйдирги кеннойим эканлигини билмаган эканман, кечирасиз...

Шотининг пешонасида тер ялтирагандек бўлди. Аччиқ ютиниб кўйди.

– Бопладинг... – У энди мени сенсиради. – Бандаси хом сут эмган... Сал таниш эди, олиб келувдим. Гап шу ерда қолсин, илтимос...

– Хавотир олмаг, – дедим унга сал самимийроқ оҳангда. – Агар фурсат топсангиз, келинлар, ҳадемай ош тайёр бўлади.

– Раҳмат, кетишим керак, – у ер остидан «Волга» томон назар ташлаб кўйди. Машинанинг очиқ деразасидан Куйдирги бизни кузатиб ўтирарди. – Шаҳарда кўришармиз...

Индамадим. У бир замбар лой эди, машина томон оёғини оғир босиб борарди.

Ўша-ўша, мен уларни бошқа учратмадим. Куйдиргини кейинчалик бошқа ёққа кетиб қолган, дейишди. Шоти эса бора-бора қорасини кўрсатмай, охири партияси билан бирга батамом гумдон бўлди.

...Маълум муддат хаёлга чўмиб қолганимдан, бош муҳаррир ўзича “Сукут-аломати ризо” деган хулоса чиқарди чоғи.

– Тўғри, бир мунча таъб хираликлар билан амалга ошадиган иш бу. – Унинг анча енгил тортгани сезилди. – Қаҳрамонларингиз... беҳаё, шаллақи ва айёр одамлар тоифаси. Улар билан жиддий мулоқотга киришиш осон кечмайди, албатта. Фақат бир нарсани назардан қочирмайлик: Бизнинг асосий вазифамиз, кимларнингдир фоҳишалигини фош этиб, шов-шув кўтариш эмас, балки уларнинг нима учун ана шу ифлос кўчага кириб қолганлиги сабабларини, шу ўриндаги ижтимоий илдиз омилларини таҳлил қилиб беришда...

– Талъат ака, буёғи тушунарли, албатта. Бироқ... Мен ҳали бу ишга рози бўлганимча йўқку? – хайрон боқиб сўрадим ундан.

– Хўп, дейверинг, – гапни чўрт кесди бошлиқ. – Ҳеч иккиланманг, эндиликда обкомлар йўқ, дадил бўлаверинг.

Шу чоғ икковимизнинг ҳам кўз олдимиздан “Охиратнинг шотиси” шарпадек “лип” этиб ўтиб, бир-биримизга хиёл жилмайиб кўйдик.

II

– Менга... суюқоёқ қизлардан топиб берсангиз.

Милиция участкаси бошлиғи капитан Суннатов менинг бу илтимосимдан ҳайратга чўкди.

– Кечирасиз... бу ер мелисахона. Биз кўшмачилик билан шуғулланмаймиз, – чиндан ҳам таажубда бўлдиради у. – Иккинчидан, сиз ўзингизга ярашмаган ишни қилмасангиз бўлармиди...

– Узр, узр. Лекин мен жиддий гапиряпман, ишонаверинг.

Капитан энди бошини бошимга яқинлаштириб, хузур билан қиқирлади: – Қани, ёрилиг, ўртоқ журналист, кеннойим уйдан кетиб қолганларми дейман?

– Кеннойингиз, худога шукур, уйда, – дедим унга жавобан, – мен ҳозир бошқа маънода сўраяпман.

Суннатов яна сергак тортди.

– Тушунмадим...

– Очиқроқ айтсам, редакция топшириғи шундай. Фоҳишалар ҳаётдан материал тайёрлашим керак. Сиздан ёрдам сўраб келдим. Рўйхатингизга тушган бирон нуқта бўлса, ишни ўшетган бошласамми, дейман.

Капитан «ҳаммаси тушунарли» деган маънода бош кимиралиб кўйди-да, ўрнидан вазминроқ туриб, хона ичида иягини қашиганича уёқ-буёққа ҳорғин юра бошлади. Энди унинг кайфияти бузилгандек эди. Сигарет тутатди. Кейин менга юзланиб, гапга чоғланган

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно скачать на сайте.

<https://solihqahhor.com>

